
Бугун, 5 апрель, Давлат хавфсизлик хизмати куни!

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 2 октябр куни имзоланган [қонун](#)га мувофиқ, мазкур сана Давлат хавфсизлик хизмати куни этиб белгиланган.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Давлат хавфсизлик хизмати ходимларини бугунги касб байрами билан самимий қутлайди.

Давлатимизнинг конституциявий тузуми, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, бошқа давлат манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилишдек шарафли ва масъулиятли фаолиятларида уларга куч-қувват ва муваффақиятлар тилаймиз.

Сизу бизнинг хавфсиз ҳаёт кечиришимиз учун хизмат қилаётганлар барака топишсин.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2021-04-05 17:54:30